

**ТИБИЁТ ХОДИМЛАРИНИНГ КАСБИЙ МАЛАКАСИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.31.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИБИЁТ ИНСТИТУТИ

ТАШКЕНОВ ЭЛЁРБЕК МАМАТҚОДИРОВИЧ

**ҚАЙТАЛАНУВЧИ ЦЕРЕБРАЛ ВАЗОКОНСТРИКТИВ СИНДРОМИ,
ДИАГНОСТИКА ВА ДАВОЛАШ ЙЎЛЛАРИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

14.00.13 – Неврология

**ТИБИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2021

**Тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление авторефера диссертации доктора философии (PhD) по
медицинским наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD) on
medical sciences**

Ташкенов Элёрбек Маматқодирович

Қайталанувчи церебрал вазоконстриктив синдроми, диагностика ва
даволаш йўлларини такомиллаштириш.....3

Ташкенов Элёрбек Маматқодирович

Синдром обратимой церебральной вазоконстрикции, диагностика и
оптимизация методов лечения.....28

Tashkenov Elyorbek Mamatkodirovich

Reversible cerebral vasoconstrictive syndrome, diagnostics and optimization
of treatment methods.....54

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....58

**ТИБИЁТ ХОДИМЛАРИНИНГ КАСБИЙ МАЛАКАСИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc. 04/30.12.2019.Tib.31.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИБИЁТ ИНСТИТУТИ

ТАШКЕНОВ ЭЛЁРБЕК МАМАТҚОДИРОВИЧ

**ҚАЙТАЛАНУВЧИ ЦЕРЕБРАЛ ВАЗОКОНСТРИКТИВ СИНДРОМИ,
ДИАГНОСТИКА ВА ДАВОЛАШ ЙЎЛЛАРИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

14.00.13 – Неврология

**ТИБИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2018.1.PhD/Tib570 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Андикон давлат тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифанинг (www.tipme.uz) ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим порталининг (www.ziyonet.uz) манзиллари жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Рахимбаева Гулнора Саттаровна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Маджидова Якутхон Набиевна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Саноева Матлюба Жаҳонқуловна
тиббиёт фанлари доктори

Етакчи ташкилот:

С.Д.Асфендияров номидаги Қозогистон Миллий
тиббиёт университети

Диссертация ҳимояси Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш маркази ҳузуридаги DSc. 04/30.12.2019.Tib.31.01 раками Илмий кенгашнинг 2021 йил «_____» куни соат _____даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100007, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Паркент кўчаси 51-үй. Тел./факс: (71) 268-17-44, e-mail: info@tipme.uz).

Диссертация билан Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш маркази Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (____ ракам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100007, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Паркент кўчаси 51-үй. Тел./факс: (71) 268-17-44.

Диссертация автореферати 2021 йил «_____» куни тарқатилди.

(2021 йил _____даги ____ ракамли реестр баённомаси).

Х.А.Акилов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Н.Н.Убайдуллаева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

Б.Г.Гафуров

Илмий даражасини берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Тўсатдан юзага келувчи бош оғригининг сабабларидан бири субарахноидал қон қўйилиши ҳисобланиб, кўп ҳолатларда диагностик муаммолар сабаб юзага келиши мумкин. Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) маълумотларига кўра, «...дунё бўйича инсульт сабабли ўлим кўрсаткичининг ошиши кузатилаётган бўлиб, ушбу долзарб муаммо билан курашиш йўлида глобал чоралар кўрилмаса, 2030 йилга бу кўрсаткич 7.8 миллионга етиши мумкин»¹ экан. Церебрал инсультга олиб келадиган касалликлардан бири қайталанувчи церебрал вазоконстриктив синдром (ҚЦВС) клиник ва радиологик синдром бўлиб, ўткир бошланувчи кучли бош оғрифи, церебрал артерияларда сегментар вазоконстрикция орқали ривожланади. Касалликни эрта аниқлаш, асоратланиши ва ўлим ҳолатларини камайтириш муҳим тиббий-ижтимоий муаммолардан бири ҳисобланади.

Жаҳонда қайталанувчи церебрал вазоконстриктив синдромини эрта босқичларда ташхислаш ва даволаш чора-тадбирларини такомиллаштиришга йўналтирилган кенг кўламдаги илмий тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Бу борада ҚЦВС ўткир даврида юзага келадиган клиник-неврологик хусусиятини баҳолаш, эрта ташхислаш ва дифференциал индивидуал ёндашиш, фармакотерапиясини клиник-нейровизуал кўрсаткичларга асосланиб оптималлаштириш, даволашда самарасиз натижалар сабабларини аниқлаш, даволаш усусларига инновацион ёндашиш ҳамда беморларда ривожланиши мумкин бўлган асоратларнинг олдини олиш мақсадида қатор илмий тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Асоратсиз ҚЦВСнинг эрта ташхислаш, даво чораларини такомиллаштириш, асорат ривожланиши эҳтимолини олдиндан баҳолаш ва учламчи профилактика чора-тадбирларини ишлаб чиқиши кабилар алоҳида аҳамият касб этади.

Мамлактимизда бугунги кунда аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифатини тубдан яхшилаш ва турлари сезиларли кенгайтириш бўйича кенг кўламда мақсадли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. «...Мамлакатимизда аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммобоплиги ошириш, шунингдек, тиббий стандартлаштириш тизимини шакллантириш, касалликларни эрта ташхислаш ва даволашнинг юқори технологик усусларини жорий қилиш, патронаж хизматини ва диспансеризациянинг самарали моделларини яратиш орқали соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва касалликни олдини олиш...»² га қаратилган муҳим вазифалар белгиланган. Ушбу вазифаларни амалга ошириш мақсадида ҚЦВС аниқланган bemorlarга тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш тўлақонлигини ошириш, ногиронлик кўрсаткичларини пасайтириш, ҳаёт

¹ World Health Report. Geneva: World Health Organization. Available from URL.: <http://www.who.int/world-health-day/2017/en/>,2017

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сонли «Ўзбекистон Республикаси соглиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони.

сифатини ошириш, сифатли тиббий хизмат кўрсатишида замонавий технологияларни қўллаш усулларини такомиллаштириш муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида», 2020 йил 12 ноябрдаги ПФ-6110-сон «Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятига мутлақо янги механизмларни жорий қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислоҳотлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонлари, 2019 йил 13 февралдаги ПҚ-4190-сон «2019 – 2025 йилларда Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг руҳий саломатлигини муҳофаза қилиш хизматини ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори ҳамда мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-хуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишида ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қиласди.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ҳозирги кунда қайталанувчи церебрал вазоконстриктив синдром билан боғлиқ муаммолар устида қатор илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бу синдром турли номларда ифодаланиб келинди: туғруқдан кейинги ангиопатия, Колл-Флеминг синдроми, МНС псевдоваскулити, МНС яхши сифатли ангиопатияси. Барча бу кўп атамали клиник шаклларни бирлаштириб ягона диагностик мезони таклиф қилинган (Calabrese L.H. 2007). ҚЦВС цереброваскуляр касаллик бўлиб, кучли бош оғриғи, аневризматик қон қўйилишга ўхшаб кетади, неврологик симтомлари ёки симтомларисиз, шунингдек, яллиғланишсиз, артеросклеротик ўзгаришсиз диффуз сегментар церебрал қон вазоспазми, уч ой давомида бу вазоспазм ечилиши аниқланган (Chen S.P., Wang S.J. Cephalgia 2014).

ҚЦВС клинико-нейровизуализацион хусусиятлари ўзига хос бўлиб, МР-ангиографик текшируви касаллик бошланган вақтдан бошлаб 3-4 ҳафта ўтгандан сўнг ўтказиш церебрал қон томирларда “тасбехсимон” вазоконстриктив ўзгаришлар аниқ кўриниши аниқланган (Е.Д.Ключева, В.В.Голдобин 2018). ҚЦВС клиник аҳамиятга эга ҳамда у турли клиник ҳолатларда учрайди, ёшларда, ва асосан аёлларда учраб, бошқа касалликлар билан дифференциал диагностика ўтказиш талаб қиласди. Бунда бирламчи ва иккиласми ҚЦВС биргаликда бир вақтда кечиши, шунингдек, церебрал қон томирлардаги дисплазияси ҚЦВСнинг кечиши ва асоратланишига таъсирини аниқланган (М.Ю.Афанасьева 2020).

Ҳозирги вақтда дунёда ҚЦВСнинг диагностикаси ва даволаш профилактикаси бўйича қатор илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Жумладан, клиник-неврологик, нейровизуализацион ўзига хос хусусиятига эга бўлган ҚЦВС билан хасталangan беморларни мукаммал даволаш, ўлимга олиб келиши мумкин бўлган асоратларни аниқлаш, ишемик ва геморрагик инсульт каби асоратларининг аниқ ривожланиш фоизлари баҳолаш, эрта босқичларида аниқлашга имконият яратувчи дифференциалланган даволаш ва профилактик чора-тадбирларини оптималлаштириш муҳим амалий аҳамиятига эга.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент тиббиёт академиясининг илмий тадқиқотлар режасига мувофиқ 01.15.00156 рақамли «Мигренning асоратли формалари, МНС ОИВ инфекцияси, ўткир ва сурункали цереброваскуляр касалликлар, деменциянинг клиник-неврологик, нейроиммунологик, генетик, патобиохимик, нейровизуалогик хусусиятларини ўрганиш» (2015–2020) мавзусидаги илмий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади клиник-неврологик, нейропсихологик ва нейровизуализацион ўзгаришларга таяниб, ҚЦВСни эрта ташхислаш ва қиёсий ташхислаш алгоритмини ишлаб чиқиш ҳамда даволаш йўлларини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

қайталанувчи церебрал вазоконстриктив синдроми билан хасталangan беморларда этиологик ва клиник – неврологик белгиларини ўрганиш;

қайталанувчи церебрал вазоконстриктив синдромида нейровизуализацион кўринишларини қиёсий таққослаш;

қайталанувчи церебрал вазоконстриктив синдроми билан хасталangan беморларда Кердо вегетатив индекси ва Хильденбрандта коэффицентини текшириш билан симпатик нерв системаси активлигини аниқлаш;

қайталанувчи церебрал вазоконстриктив синдроми билан хасталangan беморларда когнитив фаолиятни: MMSE, умумий когнитив фаолиятнинг пасайиш шкаласи, ВАШ ва MIDAS шкалалари ёрдамида патологик ўзгаришларни таҳлил этиш;

қайталанувчи церебрал вазоконстриктив синдроми билан хасталangan беморлар учун диагностик кетма-кетлигини ишлаб чиқиш ва даволаш йўлларини такомиллаштириш.

Тадқиқотнинг обьекти сифатида 2017–2020 йилларда Андижон давлат тиббиёт институти клиникаси ҳамда «Асака неврология шифохонаси» МЧЖга қарашли хусусий клиникада стационар ва амбулатор қонсерватив даволангандан 18 ёшдан 61 ёшгacha бўлган 88 нафар бемор ва назорат гуруҳига 30 нафар соғлом киши олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида неврологик статусни комплекс текшируви ва нейровизуализацион усул натижалари ташкил қилди.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотни бажаришда клиник-неврологик, нейропсихологик, нейровизуализацион, инструментал ва статистик усуллардан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қўйидагилардан иборат:

илк бор қайталанувчи церебрал вазоконстриктив синдроми ва унинг асоратлари ривожланишида симпатик нерв системаси устунлиги билан вегетатив регуляциясининг турғун бузилиши аниқланган;

мигрень ва зўриқишдаги бош оғриғи билан бирга қайталанувчи церебрал вазоконстриктив синдромини ташхислаш ҳамда қиёсий ташхислаш кетма-кетлиги оптималлаштирилган;

илк бор ҚЦВС билан хасталанган беморларнинг меҳнат қобилиягини тиклаш учун даволаш курсларининг ҳажми ва муддати ишлаб чиқилган, шунингдек меҳнат қобиляти кўрсаткичлари баҳолангандан;

қайталанувчи церебрал вазоконстриктив синдроми ва унинг асоратларини даволаш касалликнинг клинико-нейровизуализацион хусусиятининг оғирлик даражасига кўра кальций антогонистини тавсия қилиш билан такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари:

МР ангиография, экстракраниал допплерография, транскраниал доплерография текшируви ўтказилган қайтарилувчи церебрал вазоконстриктив синдроми билан хасталанган беморларнинг текширув усулларини ишлаб чиқилган;

ҚЦВС ривожланиши омиллари сифатида симпатик нерв системасининг тонуси ортиши, шунингдек, аниқланган ҚЦВСни оддий мигрень билан фарқлаш ҳамда цефалгияни даволаш ва олдини олишда энг самарали усулларидан бири узоқ вақт давомида кичик дозада кальций каналлар блокаторлари билан даволаш самарали эканлиги аниқланган;

беморларни ташхислаш бўйича мавжуд дастур таҳлили асосида бош оғриғи билан шикоят қилиб келган bemорларга эрта ташхислаш ва қиёсий ташхислаш кетма-кетлиги ишлаб чиқилган ҳамда даволаш тактикаси такомиллаштиришган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда замонавий усул ва ёндашувларнинг кўлланилганлиги, назарий маълумотларнинг олинган натижалар билан мос келиши, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, bemорлар сонининг етарлилиги, барча рақамли маълумотларга замонавий компьютер технологияларини кўллаб ишлов берилганлиги, шунингдек, тадқиқот натижаларининг халқаро ҳамда маҳаллий маълумотлар билан таққосланганлиги, чиқарилган хуроса ҳамда олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларинг илмий аҳамияти ҚЦВС мавжуд bemорларда симпатик нерв системасида активлигини аниқлашда Хильденбрандт коэффициент ва Кердо вегетатив индекси, ҳамда Линдегаард индексларини (интракраниал кон томирларда спазмнинг даражасини кўрсатади) аниқлаш билан допплерография диагностик имкониятлари ва даволаш самарадорлигини баҳолашда муҳим аҳамиятга эга эканлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларинг амалий аҳамияти ҚЦВС билан хасталанган bemорларда диагностик кетма-кетлиги ва даволаш усуллари ишлаб чиқилиб, bemорларнинг бирламчи текширув режасига Кердо вегетатив индекси, Хильденбрандт коэффициенти, шунингдек, Линдегаард индексини киритиш йўли билан ҚЦВСни диагностикаси оптималлаштирилди ҳамда даволаш стандартига кальций канал антогонисти нимодипин дори воситасини эрта тавсия қилиш йўли билан даволаш чора-тадбирлари комплексини такомиллаштирилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Қайталанувчи церебрал вазоконстроиктив синдромини эрта аниқлашга қаратилган янги ёндашувларни ишлаб чиқиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

Бирламчи ва иккиламчи бош оғриқлар дифференциал ташхисоти бўйича олинган илмий натижалар асосида «Бирламчи ва иккиламчи бош оғриқлар дифференциал диагностик алгоритмининг оптимизациялаш усуллари» номли услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 1 июндаги 8н-д/131-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома bemорларнинг бирламчи ва иккиламчи бош оғриқларни дифференциал диагностикасида сифатини ва аниқлигини оширди, шифохонада ётиш кунларини камайтириш имконини берган;

қайталанувчи церебрал вазоконстроиктив синдромини ташхислаш ва даволаш самарадорлигини ошириш борасида олинган илмий тадқиқотлар натижалари соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Андижон вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази ва Андижон шаҳар тиббиёт бирлашмасига қарашли З-сонли поликлиника амалиётига жорий қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 10-март 8н-з/48-сон маълумотномаси). Тадқиқот натижалари қайтарилувчи церебрал вазоконстроиктив синдромини барвақт ташхислаш, асоратларининг олдини олиш ҳамда bemорлар ҳаёт сифатини яхшилаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 3 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан, 2 та халқаро ва 1 та республика анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 12 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан, 2 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хуроса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 119 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмida ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор

йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Қайталанувчи церебрал вазоконстриктив синдроми муаммолига замонавий қарашлар»** номли биринчи бобида ҚЦВС касаллиги кузатилган беморларни эрта ташхислаш ва даволаш муаммолари бўйича илмий тизимли ҳамда умумий маълумотлар тахлил қилинган, танқидий баҳоланганд, кейинчалик ҳал қилиниши талаб этиладиган долзарб муаммолар аниқланган. Берилган адабиётлар тахлили натижасида мазкур муаммо бўйича ҳал этилиши лозим бўлган вазифалар белгиланган.

Диссертациянинг **«Қайталанувчи церебрал вазоконстриктив синдромининг тадқиқот материаллари ва усуслари»** номли иккинчи бобида клиник материаллар ва қўлланилган усуслар ёритилган. Тадқиқотларнинг клиник қисмига 118 нафар бемор танлаб олинди, ёши 18-61 (ўртacha ёши $38,5 \pm 11,1$). Уларнинг 38 (32.2%) эркак ва 80 (67.8%) аёллар ташкил қиласди. Илмий иш 2017–2020 йилларда Андижон давлат тиббиёт институти клиникаларида амалга оширилган. Барча беморлар З гурӯхга бўлинди.

Асосий I гурӯх ҚЦВС клиникаси билан 38 (32.2%) ташхисланган беморларни ташкил қиласди (ХКТ-10 бўйича I67.8).

II гурӯх мигрень клиникаси билан 50 (42,4%) ташхисланган беморларни ташкил қиласди (ХКТ-10 бўйича G43.0).

III гурӯх оддий бош оғриғи зўриқишидан шикоят қиласган 30 (25,4%) беморлар (ХКТ-10 бўйича G44.2).

Барча беморларга стандарт методикага мос бўлган клиник-неврологик текширув усули қўлланилди. Когнитив фаолият бузилишини аниқлаш мақсадида маҳсус шкалалар (MMSE, Рейсберг), бош оғриғининг интенсивлигини баҳолашда (ВАШ), мигрень билан хасталанганд беморларда ҳаёт сифатини баҳолаш (MIDAS) шкалалари қўлланилган, Кердо вегетатив индекси ва Хильденбрандта коэффицентини текшириш билан симпатик нерв системаси активлиги ва нейровизуализацион текширув (бош мия МРТ, МРА ва бош мия қон томирлари УЗДС ёки ТКДГ текшируви) усулидан фойдаланилди.

Диссертациянинг **«Қайталанувчи церебрал вазоконстриктив синдроми бўйича шахсий тадқиқот натижалари»** номли учинчи бобида беморларнинг клинико-неврологик ва нейровизуализацион текширув натижалари баён этилган.

ҚЦВСнинг биринчи умумий клиник кўриниши ўткир юзага келувчи ўта кучли бош оғриғидир. Яъни, 1 дақиқа давомида максимал интенсивликка кўтарилади ва бемор сўзи бўйича “чақмоқ ургандек” (чакмоқсимон бош оғриғи) таърифлайди. Чакмоқсимон бош оғриғи (ЧБО) ҚЦВС бирламчи ва амалий бошланғич белгисидир. ҚЦВСнинг этиологик омилларга боғлиқ

холда қандай бирламчи ҚЦВС характерга эга бўлса, иккиламчи ҚЦВС шундай характерга эга бўлиши мумкин. Бирламчи ҚЦВС бошланғич симптоми чақмоқсимон бош оғриғи иккиламчи ҚЦВСга нисбатан тез-тез учрайди. Бирламчи ҚЦВС идиопатик синдром бўлиб, церебрал ва соматик патология, ташрихлар ва вазоактив воситалар қабул қилиш билан боғлиқ эмасдир. Иккиламчи ҚЦВС энг кўп учрайдиган сабабларидан вазоактив воситалар қабул қилишдир. Бирламчи ва иккиламчи ҚЦВСнинг триггер механизми таҳлил қилинганда қўйидаги омиллар намоён бўлади (1-чизма)

1-чизма. ҚЦВС билан хасталанган bemорларда триггер механизмларининг ривожланиши.

I-гурух



Бирламчи ҚЦВСнинг энг кўп сабабларидан жисмоний юклама бўлиб, 25 bemorda (65,8%) ҚЦВС ривожланишига олиб келади. ЧБО шикоят қилган 2 bemorda (5.2%) ҚЦВСнинг асосий симптоми бўлиб, жинсий фаолият натижасида ривожланган. 5 bemorda (13.2%) термик таъсири натижасида ривожланган (совуқ ҳавода қолиб кетиш).


Беморлардан тўлиқ анамнез тўплаганимизда иккиламчи ҚЦВС билан хасталанган bemорларда симпатик нерв системаси тонусини ошириш хусусиятига эга бўлган фармакологик препаратлар қабул қилганлиги аниқ бўлади. Шундай 3 ҳолатларда (7.9%) вазомотор ринитда назал воситалар қабул қилганлиги сабаб бўлади. Шунингдек, яна 2 нафар bemorda (5.2%) серотониннинг қайта сўрилтирувчи селектив ингибитори (СКССИ) воситаларини қабул қилгани, 1 нафар bemorda (2.6%) ЧБО НЯҚВ

(индометацин) қабул қилғандан кейин ривожланганлиги маълум бўлди (1-чизма).

Зўриқищдаги бош оғриғи ва мигрень билан хасталанган беморларда бош оғригининг ривожланишида триггер механизмини текшириш натижалари (2-чизма).

2-чизма.

II ва III гурухдаги беморларда триггер механизми.



2-чизмада келтирилган маълумотларга кўра II гурухдаги 5 нафар беморда (10%) бош оғриқ сабаби менистриал цикл, 6 нафар беморда (12%) алкоголь ва кофеин қабул қилиш, 7 нафар беморда (14%) жисмоний зўрикиш, 10 нафар беморда (20%) психоэмоционал стресс, 4 нафар бемор (13.3%) иссиқ ёки совук уриш натижасида ва 17 нафар беморда (34%) бошқа турли омиллар бош оғригини келтириб чакиради (Расм 3.2).

III гурухдаги аёлларнинг 2 нафарида (6.6%) бош оғриғига менистриал цикл, 4 нафар беморда (13.3%) алькогол ёки кофеин, 6 нафар беморда (20%) жисмоний зўрикиш, 5 нафар беморда (10%) иссиқ ёки совқотиш, 7 нафар беморда (23.3%) бош оғриғига бошқа омиллар сабаб бўлди (2-чизма).

ҚЦВС вақтида артериял спазми келтириб чиқариб, қон томир ҳавзаларда патологик жараёнлар билан боғлик ҳолда ўчокли неврологик симптомлар ривожланиш эҳтимоли юқори бўлади. ҚЦВС билан хасталанган беморларнинг неврологик статус текшируvida қуйидаги бузилишлар юзага келади (1-жадвал).

1-жадвал

Текширилган беморларда неврологик синдромлар.

	I гурух (n=38)		II гурух (n=50)	III гурух (n=30)
	IA-гурух (n=30)	IB-гурух (n=8)		

Талваса синдроми	-	2 (25%)	-	-
Пирамид бузилишлар	-	7 (87,5%)	-	-
Сенсор бузилишлар	-	4 (50%)	-	-
Афазия	-	2 (25%)	-	-
Бош мия нервларининг бузилишлари.	-	6 (75%)	-	-
Координатор бузилишлар.	-	1 (12,5%)	-	-
Менингеал белгилар	-	1 (12,5%)	-	-
Орал автоматизм белгилари	11 (36,7%)	5 (62,5%)	11 (22%)	7 (23,3%)

I гурух беморларининг клиник қўриниши ЧБОнинг бирламчи манифест қўринишидаги ҚЦВС клиникаси ривожланиши билан характерланади (n=38). Беморларда бош оғриғи ташхисни аниқлаш ва текшириш учун шифохонага госпитализация қилиш сабабли юзага келиши натижасида ижобий ҳолати фонида тўсатдан чидаб бўлмас типидаги бош оғриғи кузатилди. Стационар даволаниш давомида 7-10-кунуда 8 нафар беморда (ІВ-гурух) ўчоқли, менингиал ва умумий мия симтомлари, шунингдек, талваса синдроми ривожланди. ҚЦВСнинг қўйидаги асоратлари келтирилган (1-жадвал).

I, II ва III гурух беморларда текширувда пирамид тизим бузилишлар қўйидагича кузатилди: патологик белгилар (Бабинский мусбат белгиси) ва аизорефлексия. IA-гурух 11 нафар (36,7%) беморда орал автоматизм белгилари (кафт-ияқ ости рефлекси Маринеско-Радович, Аствақатуров бурун-лаб рефлекси, Бехтеровнинг хортумча рефлекси) аниқланди. Аммо парез ёки плегиялар, координатор бузилишлар, сенсор бузилиш, бош мия нервларида бузилишлар, талваса синдроми, менингиал белгилар кузатилмади. ІВ гурух беморларда бош мияда қон айланишининг ўткир бузилиши оқибатида ўчоқли симтомлар кучли ифодаланган. Пирамид бузилишлар бош мия ярим шарларида жойлашган инсультга чалинган ва турли даражада ифодаланган парез билан (1 дан 4 баллгача) характерланадиган 7 нафар (87,5%) беморда аниқланди. IA-гурух беморларда кузатилмади. Пирамид бузилишлар II и III гурух беморларда пирамид бузилишлар кузатилмади (1-жадвал).

Сенсор бузилишлар фақатгина ІВ гурух беморларда ҚЦВС инсультининг асорати сифатида намоён бўлган. 4 нафар беморнинг (50%) парез томонининг гемигипостезияси аниқланди. Сезгининг бузилишлари IA-, II ва III гурух беморларда кузатилмади.

Афазия ва бош мия нервларининг заарланиши фақатгина ІВ-гурух беморларида кузатилди. Афазия 2 нафар беморда (25%), бош мия нервларининг (БМН) заарланиши 6 нафар беморда (75%) учради. Афазия ва БМНларининг заарланиши IA-, II ва III гурух беморларда кузатилмади.

Оғир координатор бузилишлар ІВ-гурухнинг 1 нафар беморида (12.5%) кузатилди. Бунинг сабаби вертебробазиляр ҳавзасида ишемик инсульт ривожланиши билан боғлиқдир, нистагм, дизартрия, гемиатаксия, интенция, Ромберг ҳолатида нотурғунлик билан характерланади. II ва III гурух bemорларда Ромберг ҳолатидаги нотурғунлик каби координатор бузилишлар кузатилди (1-жадвал).

Менингиал белгилар ІВ-гурухнинг бош мия ярим шарларида геморрагик инсульт билан хасталанган 1 нафар bemорда (12.5%) юзага келади. Bеморда ўрта даражада икки томонда Кернига симтоми мусбат, энса мушак ригидлиги, Кернига симтоми мусбат, шунингдек, окуломенингиал белгилар мусбат. МСКТ маълумотига кўра, мия ичига диапедез характердаги қон қўйилиши аниқланди.

II гурухдаги 11 нафар (22%) bemорда орал автомотизм (кафт-ияк ости рефлекси Маринеско-Радович, Аствацатура бурун-лаб рефлекси, Бехтеровнинг хортумча рефлекси) белгилари аниқланди, аммо пирамид бузилишлар, координатор бузилишлар, сенсор бузилиш, бош мия нервларидағи бузилишлар, талваса синдроми, менингиал белгилар кузатилмади.

III гурухдаги 7 нафар (23%) bemорда орал автомотизм (кафт-ияк ости рефлекси Маринеско-Радович, Аствацатура бурун-лаб рефлекси, Бехтеровнинг хортумча рефлекси) белгилари аниқланди, аммо пирамид бузилишлар, координатор бузилишлар, сенсор бузилиш, бош мия нервларидағи бузилишлар, талваса синдроми, менингиал белгилар кузатилмади (1-жадвал).

Бош оғрифининг интенсивлик даражасини объектив баҳолаш мақсадида ВАШ (Визуально аналоговая шкала, Visual Analog Scale), биз қабул қилган бу шкала 0 дан 10 балли диапазон билан баҳоланади (3-чизма).

3-чизма. Бош оғриқни интенсивлик даражасини баҳолашда ВАШ шкаласи бўйича ўртача баллар

ІА –гурух (n =30)	ІВ – гурух (n =8)	II – гурух (n =50)	III – гурух (n =30)
• $7,7\pm1,5$	• $8,4\pm1,1$	• $6,8\pm0,9$	• $4,0\pm1,4$

I гурух bemорларда бош оғрифининг интенсивлиги энг юқори даражада бўлиб, яъни IA гурухда ўртача $7,7\pm1,5$ балл ($p<0.01$), IV гурухда $8,4\pm1,1$ балл ($p<0.01$). II гурухда $6,8\pm0,9$ балл ($p<0.05$), III гурухда $4,0\pm1,4$ баллни ($p<0.01$) ташкил қилади. Шу билан бирга I гурух bemорларда кўнгил айниш ва қайд қилиш кўринишидаги симптомлар ҳам кузатилади (3-чизма).

Когнитив фаолиятни гурухлар орасида солиштирма баҳоланиши.


Учта гурух bemорларда ўтказилган клинико-неврологик ва нейровизуализацион текширувлар қаторида олий нерв фаолияти хотира пасайиши, диққатини жамлай олмаслиги ва иш фаолиятини пасайишидан

шикоят қилишди. Шунинг учун бундай ҳолатларга алоҳида урғу берилди ва қўйидаги натижалар олинди.

Танлаб олинган 118 нафар беморнинг MIDAS шкаласи бўйича текширганимизда: IA гуруҳ (n=30) асоратланмаган ҚЦВС (Флеминг Колл синдроми) bemorларда MIDAS шкаласи бўйича I даражали бузилишлар кузатилмади, II даражали бузилишлар 22%, III даражали бузилишлар 52%, IV даражали бузилишлар 26% bemorларда кузатилди. IB гуруҳ (n=8) асоратланган ҚЦВС (Флеминг Колл синдроми) bemorларда MIDAS шкаласи бўйича I ва II даражали бузилишлар кузатилмади, III даражали бузилишлар 57%, IV даражали бузилишлар 43% bemorларда аниқланди. Иккинчи гуруҳ (n=50) мигренъ билан хасталанган bemorларда MIDAS шкаласи бўйича I даражали бузилишлар 10%, II даражали бузилишлар 44%, III даражали бузилишлар 30%, IV даражали бузилишлар 16% bemorларда аниқланди. Учунчи гурухдаги 100% bemorларда I даражали бузилишлар аниқланди (5-чизма).

5-чизма.

MIDAS шкаласи бўйича натижалар



Таҳлилга олинган 118 нафар беморнинг руҳий ҳолатни баҳоловчи қисқа MMSE шкаласидан фойдаландик. IA гурухда (n=30) асоратланмаган ҚЦВС (Флеминг Колл синдроми) bemorларда 48% нормал ҳолат, 43% когнитив фаолият енгил бузилиши, 9% bemорда енгил даражада деменция кузатилди. IB гуруҳ (n=8) асоратланган ҚЦВС (Флеминг Колл синдроми) bemorларда 14% нормал ҳолат, 28% bemорда когнитив фаолият енгил бузилиши, 44% енгил даражада деменция кузатилган, 14% bemорда текшириш имкони (мотор афазия сабабли) бўлмади (6-чизма). Иккала гурухда хам деменцияни ўрта ва оғир даражада бузилишлар кузатилмади. Иккинчи гурухда (n=50) мигренъ bemorларда 86% нормал ҳолат, 12% bemорларда когнитив енгил бузилишлар, 2% bemорларда деменцияни енгил бузилиши кузатилди, бу гурухда ўрта ва оғир даражали деменция кузатилмаган. Учинчи гурухда

(n=30) соғлом гурухда 100% беморларда нормал ҳолат кузатилди, бу гурухда когнитив фаолиятнинг бузилиши ва деменция кузатилмади (2-жадвал).

2-жадвал. Беморларни MMSE шкаласи бўйича натижалар

	Биринчи гурух (n=38)		Иккинчи гурух	Учинчи гурух
	Асоратламаган ҚЦВС гурух (n=30)	Асоратланган ҚЦВС гурух (n=8)	Мигренъ гурухи (n=50)	Соғлом гурухи (n=30)
28-30 балл норма	14(48%)	1(14%)	86%	100%
24-27 балл когнитив енгил бузилишлар	13(43%)	2(28%)	12%	кузатилмади
20-23 балл деменция енгил даражада	3(9%)	4(44%)	2%	кузатилмади
11-19 балл деменция ўрта даражада	кузатилмади	кузатилмади	кузатилмади	кузатилмади
0-10 балл деменция оғир даражада	кузатилмади	кузатилмади	кузатилмади	кузатилмади

Бундан ташқари, 118 нафар bemornining умумий когнитив фаолият пасайланлигини аниқлаш мақсадида хотирани умумий баҳолаш учун Рейсберг шкаласидан (2008й) фойдаландик. IА гурухда (n=30) асоратланмаган ҚЦВС (Флеминг Колл синдроми) bemorlarning 22% хотира нормал ҳолатда, 56% субъектив хотира бузилиши, 22% енгил даражада когнитив фаолият бузилиши аниқланди (3-жадвал). Ўрта, оғир, ўта оғир даражада когнитив фаолият бузилишлари кузатилмади. II В гурухда (n=8) асоратланган ҚЦВС (Флеминг Колл синдроми) 14% bemorda хотира нормал ҳолатда, 14% субъектив хотира бузилиши, 43% енгил даражада когнитив фаолият бузилиши, 14% ўрта даражада когнитив фаолият бузилиши аниқланди. Оғир, ўта оғир даражада когнитив фаолият бузилишлари кузатилмади. Иккинчи гурухда (n=50) мигренъ bemorlarning 36% ида хотира нормал ҳолатда, 62% ида субъектив хотира бузилиши, 2% ида енгил даражада когнитив фаолият бузилиши кузатилди. Ўрта, оғир, ўта оғир даражада когнитив фаолият бузилишлари кузатилмади. Учинчи гурухда (n=30) 100% bemorda хотира нормал ҳолатда. Енгил, ўрта, оғир, ўта оғир даражада когнитив фаолият бузилишлари кузатилмади (3-жадвал).

3-жадвал. Беморларнинг умумий хотирасини баҳолаш учун

Рейсберг шкаласи (2008й) натижалари.

	Биринчи гурух (n=38)	Иккинчи гурух	Учинчи гурух

	Асоратлама ган ҚЦВС гурух (n=30)	Асоратлан- ган ҚЦВС гурух (n=8)	Мигренъ гурухи (n=50)	Соғлом гурухи (n=30)
норма	7(22%)	1(14%)	36%	100%
Субектив когнитив фаолият бузилган	17(56%)	1(14%)	62%	Кузатилмади
Енгил даража когнитив фаолият бузилган	7(22%)	4(43%)	2%	Кузатилмади
Үрта даража когнитив фаолият бузилган	кузатилма ди	1(14%)	кузатилмади	Кузатилмади
Оғир даража когнитив фаолият бузилган	Кузатилма ди	Кузатилма ди	кузатилмади	Кузатилмади
Ўта оғир дара-жа когнитив фаолият бу-зилган	Кузатилма ди	Кузатилма ди	кузатилмади	Кузатилмади

Вегетатив нерв система тонусининг текширув натижалари.

ҚЦВСда қон томир тонусининг регуляциясини бузилиши симпатик нерв системасининг керагидан ортиқ активлашиши оқибатида юзага келиши мумкин. Юқоридаги маълумотларга боғлиқ ҳолда ВНС ўтказилган текширувлар симпатик ва парасимпатик нерв системасини тонусини аниқлашда қўлланилади.

6-чизма.

Кердо индекси бўйича




Кердо индексини натижасини таҳлил қилинганда I гуруҳдаги 20 нафар бемор (66%) симпатикотоник деб баҳоланди, яъни IA-гурух 19 нафар бемор (65.2%), IB-гурух 6 нафар беморда (75%). II – гуруҳнинг 35 нафар (43.7%) беморда симпатик нервнинг тонуси ошганлиги аниқланди ($\chi^2=4,5$ p<0,05) (6-чизма).

Хильденбрандт коэффициенти — ВНСнинг симпатик ёки парасимпатик қисмини устунлигини баҳолашда ишлатиладиган кўрсаткич ҳисобланади.

7-чизма.

Хильденбрандт коэффициенти




Хильденбрант коэффициентининг кўрсаткичларини анализ қилинганда I гурӯҳ беморлар симпатик нерв системаси устунлик қилиши аниқланди, I гурӯхнинг 18 нафар bemорида (60%) симпатик нерв системаси устунлик қилди. Шунга мос кўриниш IA гурӯҳ 18 нафар bemор (60%), IB гурӯҳ 4 нафар bemорда (62.5%) кузатилди. II гурӯхнинг 32 нафар bemорда (40%) симпатик тонус ошганлиги аниқланди ($\chi^2=3,17$ $p>0,05$) (7-чизма). Шундай холатда симпатик тонуснинг парасимпатик тонусдан устунлигини ҚЦВСда вазоконстрикция ривожланишида симпатик нерв системасининг патофизиологик таъсирини тасдиқлади.

3.5 Нейровизуализацион текшириш усулларининг натижаларини анализ қилиш.


Юқорида эслатиб ўтканимиздек, ҚЦВСнинг типик белгиларидан (бирламчи ҚЦВСда ҳам, иккиламчи ҚЦВСда ҳам) церебрал артерияларда сегментар ёки мультифокал вазоконстриктив белгилар ҳисобланади. ЧБО инструментал диагностик усулларидан бош мия МРТ текшируви, МР ангиография. МР ангиография текширувда “тасбехсимон” кўринишидаги мильтифокал вазоконстрикция аниқланди. МР ангиографияни юқори сезирлиги ва маҳсуслиги ҚЦВСнинг ташхис қўйишида “олтин” стандарт ҳисобланади.

IA- ва IB – гурӯхнинг барча bemорларда бош мия МРТ текшируви, шунингдек, ҚЦВСнинг верификацион ташхиси учун МР ангиография ўтказилди. I-гурӯхнинг барча bemор МР ангиографик текшируvida интракраниал қон томирларда “тасбехсимон” симптом аниqlаниши, ҚЦВС ташхис қўйишимизга имкон беради (1-расм).

Шунингдек, IA-гурух 7 нафар (21.7%) бемор бош мия МРТ текширувда T1, T2, FLAIR кесимларида бош мия ўзгаришлар аниқланмади, 23 нафар (76.7%) беморнинг бош мияси пўстлоғида гипотрофия, бош мия ярим шарларининг оқ моддасида майда ўчоқли глиозлар, пўстлоқ ости структураларида ва перивентрикуляр соҳаларда инфильтратив ўзгаришлар аниқланди. Томирлардаги вазоконстриктив ўзгаришлар 3 ой давомида сақланиб қолиши ҳам аниқланди (2-расм).



Касаллик бошлангандан 3 ойдан кейин MP angiografia ташхиси.



ІВ-гурӯҳнинг ҚЦВС билан хасталанган 8 нафар беморда ЧБО оғриқнинг намоён бўлган вақтдан 7-10 суткасида церебрал артериялар вазоспазми сақланиши оқибатида bemorlarning умумий ҳолати кескин ёмонлашиши билан асоратлар ривожланиши, яъни ўчоқли неврологик белгилар, менингиал белгилар ва талваса синдроми аниқланди. Кўшимча нейровизуализацион текширувларда (бош мия МРТ) 1 ҳолатда бош мияга қон қўйилиши, 4 ҳолатларда бош мия ярим шарларида DWI кесимида ишемия зона (ишемик инсульт), 1 ҳолатда бош мия ўзак қисмида ишемия соҳа (Бош мия ўзак соҳаси ишемик инсульт) аниқланди, шунингдек, 1 ҳолатда бош мияда тузилишидаги ўзгаришлар аниқланмади (Бош мияда қон айланишнинг ўткинчи бузилиши, яъни, ўчоқли белгилар 2 соат ичида мустақил йўқолди) (4-Жадвал).

ҚЦВС асоратлари. ІВ-гурӯҳ (n=8)

4-жадвал.

№	Асоратлари	Беморлар миқдори
1	Ярим шарлар локализациясидаги ўткинчи ишемик хуружлар	1
2	Ярим шарлардаги ишемик инсульт	5
3	Вертебробазиляр хавзасидаги ишемик инсульт	1
4	Геморрагик инсульт	1

ІВ-гурӯҳ bemorlarни МРТ текшируvida T1, T2, FLAIR режимларда бош мияда ярим шарларида (2 нафар bemorda бош мия ярим шарларида энса соҳада, 3 чакка соҳада, 2 нафар bemorda тепа – пешона соҳаларда, 1 нафар bemorda пешона соҳада) ўчоқли ўзгаришлар ва 1 нафар bemorda бош мияда қон айланишнинг ўткинчи бузилиши, бундан ташқари, бош мия пўстлоқларида гипотрофия, бош мия ярим шарларининг оқ моддасида майдада глиозли ўчоқли, пўстлоқ ости структураларида ва перивентрикуляр соҳаларда инфильтратив ўзгаришлар ва “тасбеҳсимон” вазоконстрикттив ўзгаришлар аниқланди. Бу вазоконстриктив ўзгаришлар 3 ой давомида сақланиб қолиши аниқланди (4-жадвал).

II гурӯҳда (Мигрен гурӯҳи) (n=50) T1, T2, FLAIR режимларда бош мияда ўчоқли белгилар аниқланмади, 50% bemorda бош мияда ўзгаришлар аниқланмади, 50% бош мия пўстлоқларида гипотрофия, пўстлоқ ости структураларида ва перивентрикуляр соҳаларда инфильтратив ўзгаришлар аниқланди, ангиорежимда церебрал қон томирларда вазоконстрикттив ўзгаришлар аниқланмади.

III гурӯҳда (n=30) T1, T2, FLAIR режимларда бош мияда ўчоқли белгилар аниқланмади, 74% bemorda бош мия ўзгаришлар аниқланмади, 26% бош мияда пўстлоқларида гипотрофия, пўстлоқ ости структураларида ва перивентрикуляр соҳаларда инфильтратив ўзгаришлар аниқланди,

ангиорежимда церебрал қон томирларда вазоконстриктив ўзгаришлар аникланмади.

Ультратовушли текширув усулининг натижаларини таҳлил қилиш.

ТКДГ ламинар қон тезлигини ўлчаш бош миядаги қон оқимининг ауторегуляция қилиши ва захира цереброваскуляр реактивлигини баҳолашга ёрдам беради. Вазоспазмни доплерографик баҳолаш асосида қон томир бўшлиғи диаметридан қайтаётган ва қон оқими ҳажмининг ламинар қон оқими тезлигига тўғридан тўғри боғлиқлиги аникланади. Охирги кўп сонли текширувлар асосида ўрта мия артерияси бўйлаб оқаётган ўртача ламинар оқим тезлиги аҳамиятли, ТКДГ маълумоти бўйича интракраниал артерияларнинг вазоспазми ифодаланиш даражаси ва мавжудлигининг умумий омиллари мавжуд. Бу кўрсаткичларнинг ўзгариш динамикаси бош миянинг ишемик кечикирилган заарланиш имконияти ва вазоспазм ривожланиш белгилари билан намоён бўлади [Dyck P.J., Boes C.J., Mulder D. et al. 2005].

Бош мия қон томирларнинг вазоспазми диагностикаси учун K.F.Lindegaard ва унинг ҳаммуаллифлари ярим шарлар қон оқим индексини ҳисоблайдиган Линдегаард индексини таклиф қилган. Линдегаарда индекси ўрта мия артериясининг ўртача қон оқими тезлиги ички уйқу артериясининг экстракраниал сегментида ўртача қон оқими тезлиги нисбатига айтилади (нормада 3.0 гача). ТКДГ маълумоти бўйича вазоспазмни диагностик омиллари ўрта мия артерияси бўйлаб ўртача ламинар қон оқим тезлиги 120 см/с ва ундан юқорига ва Линдегаард индекси Згача ва ундан юқорига ортиши билан ҳисобланади [Гайдар Б.В., Свистов Д. В., Храпов К.Н. 2000]. Вазоспазмда ламинар қон оқим тезлиги 120-200 см/с енгил даражада, 200 см/с дан юқори бўлса, ифодаланган даражада бўлади [Shahlaie K. et al 2011].

ТКДГ текширув усули бош миянинг қон оқимини баҳолайдиган бошқа усулларига қараганда оддий ва оммобоп усулдир, ноинвазив, кўп маротабалик текшириш, bemornining ётоқ жойида текшира олиш ва узок муддат мониторинг қила олиш имкониятларига эгадир.

5-жадвал.

Линдегаард индекси ва ички уйқу артериялари бўйлаб ламинар қон оқим тезлиги ўртача кўрсаткичлари.

	IA-гурух (n=30)	IB- гурух (n=8)	II- гурух (n=50)	III- гурух (n=30)	Крускал- Уоллис кўрсаткичи
ИУАда ЛОТ ўртача аҳамияти	142,5±17,2	147,1±15,0	88,4±13,2	90,6±13,1	$\chi^2 = 64,5$ $p < 0,01$
U Mann-Whitney кўрсаткичи	U=0,001 $p < 0,01$	U=0,001 $p < 0,01$	U=671,0 $p > 0,05$		

Линдегаадр Индекс	$3,4 \pm 0,3$	$3,5 \pm 0,3$	$2,2 \pm 0,3$	$2,3 \pm 0,3$	$\chi^2 = 65,2$ $p < 0,01$
U Mann-Whitney күрсаткичи	U=0,001 $p < 0,01$	U=0,001 $p < 0,01$	U=720,0 $p > 0,05$		
	*	**	***		

*- Mann-Whitneyнинг U омили III гурух билан IA гурух таққослаганда

**- Mann-Whitneyнинг U омили III гурух билан IB гурух таққослаганда

***- Mann-Whitneyнинг U омили III гурух билан II гурух таққослаганда

5-жадвал натижасини таҳлил қилинганда ламинар қон оқими тезлигининг аҳамияти, шунингдек, текширилаётган 4 та гурухдаги барча bemорларда Линдегаард күрсаткичи ўзаро статистик етарли фарқга эгадир ($\chi^2 = 64,5$ $p < 0,01$ ва $\chi^2 = 65,2$ $p < 0,01$ мос келади). Церебрал артериялар вазоспазмининг мавжуд билвосита белгилари IA ва IB гурух bemорларда Линдегаард индекси ва ламинар оқим тезлигини юқори күрсаткичлари билан тасдиқлади. Бу күрсаткичлар III гурух күрсаткичлари билан солиширилганда етарли даражада фарқ намоён бўлади.

